



LEGALITY OF GOVERNOR'S DECISIONS IS UNDER CONTROL. JUDICIAL CONTROL, TODAY'S AND FUTURE HISTORY ISSUES

Toshov Ikromjon Murodilloevich ¹

¹ Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan Master's student, judge of Bukhara regional court

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4737517>

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

judicial control, administrative relations, legality of decisions of local public administration authorities, legal system, property relations, organizational and legal relations.

ABSTRACT

Work is underway to ensure the full independence of the judiciary, which is an independent branch of government, in order to increase the confidence of our people in the judicial system, in this regard, some problematic issues arise regarding the balance of the principle of separation of the judiciary. powers.

For example, the separation of powers and the absence of judicial control mechanisms in local self-government bodies under the leadership of the governor raise unresolved issues of law enforcement and prevention of violations in this institution of power and, ultimately, arouses well-founded objections from our people.

This article is devoted to this issue, the problems in this area that have arisen as a result of the master's thesis are studied in detail, the existing problems and shortcomings in this area are studied in detail, scientifically and practically grounded proposals and recommendations are given.

Relevance of the research topic From the first days of Uzbekistan's independence, we set ourselves the goal of building a democratic state based on the rule of law. For this, a number of regulatory legal acts have been adopted and measures have been taken to implement them. Reliable protection of the rights and freedoms of citizens, the interests of society and the state, the achievement of justice are defined as the main tasks of the judicial system of the Republic of Uzbekistan.

Today is the time to strengthen judicial control over the decisions of local authorities.

Judicial control should be strengthened to ensure the correct application of the law by local public authorities, retaining the elements of the previous totalitarian regime, administration, and not violating the rights of citizens.

However, in the context of large-scale construction work in every region and city of the country, violations of the rights of landowners are widespread in the seizure of land by citizens and legal entities for state and public needs.

Therefore, it is necessary to establish judicial control over the activities of local authorities. At the same time, it is necessary to express your attitude towards violations during the trial.



ҲОКИМ ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ СУД НАЗОРАТИДА. СУД НАЗОРАТИ, ТАРИХИ БУГУН ВА КЕЛАЖАҚДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ МАСАЛАЛАР

Тошов Икромжон Муродиллоевич¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
магистратура тингловчиси, Бухоро вилоят суди судьяси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

суд назорати, маъмурий
муносабатлар, маҳаллий
давлат ҳокимияти
органлари қарорларининг
қонунийлиги, ҳуқуқий
тизим, мулк
муносабатлар,
ташкилий-ҳуқуқий
муносабатлар.

ANNOTATSIYA

Ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлган суд ҳокимиятини тўлақонли мустақиллигини таъминлаш, ҳалқимизнинг судга бўлган ишончини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар, бу борада ҳокимиятларнинг бўлиниш принципининг мувозанати бўйича айрим муаммовий масалалар борки, ушбу масалалар ўз ечимини кутиб ётмоқда.

Биргина, мисол сифатида ваколатларнинг тақсимланиши ва ҳоким бошчилигида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида суд назорати механизмларининг кенг жорий этилмаганлиги ушбу ҳокимият тармоғи институтида қонун ижроси ва қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича ечимини кутаётган муаммоларни ва пировардида ҳалқимизнинг асосли эътирозларини келтириб чиқармоқда.

Мазкур масалани ушбу мақола доирасида ёритиб, соҳадаги ечимини кутаётган муаммоларни магистрлик диссертация ишининг натижаси сифатида соҳада мавжуд бўлган муаммо ва камчиликлар атрофлича ўрганилиб, уларни бартараф этиш борасида илмий ва амалий жиҳатдан асослантирилган таклиф ва тафсиялар берилган.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат қуришини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бунга эришиш учун бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловга эришиш эса Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари устидан суд назоратини кучайтириш даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Собиқ тоталитар тузуми, маъмурий буйруқбозлик элементлари сақланиб келинаётган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунларни тўғри қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини бузмаслик мақсадида суд назоратини кучайтириш лозим.

Биргина, республикамизнинг ҳар бир туман-шаҳарларида қурилиш ишлари кенг миқёсида олиб борилаётган бир шароитда туман-шаҳар ҳокимлари томонидан фуқаро ва юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари ер майдонларини давлат ва жамият эҳтижлари учун олинши жараёнида мулкдорларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари кенг миқёсида учрамоқда.

Шунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари



фаолияти устидан суд назоратини ўрнатиши албатта лозим. Бунда албатта суд низони кўриши мобайнида қонунбузилиши ҳолатларига ўз муносабати билдириб бориши керак.

Кириш.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат қуришини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиши, одил судловга эришиши эса Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг асосий вазифалари этиб белгиланди. Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириши ва либераллаштириши борасида олиб борилган кенг кўламли ишлар қаторида суд ҳокимиятини ислоҳ қилиши, судни ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида ислоҳ қилиши, жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириши бўйича ҳокимиятлар бўлиниши назариясида суд ҳокимиятининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг қонунийлиги устидан назорат функцияларини ишлаб чиқиши долзарб вазифалар ва ўзаро тийиб туриши механизмларидан бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот усуллари. Ушбу мақолани ёзишда тарихий, сиёсий фанни қиёсий таҳлил қилиши, назарий, умумий мантиқ ва башорат қилиши усулларидан фойдаланилган. Хусусан, Европа ва Америкада тарихий даврларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонунийлиги юзасидан суд назоратининг ўрнатилиши хусусиятлари хронологик ёндашувлар билан қамраб олинган бўлса, шахслар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва халқлар, халқлар ва

давлатларнинг ривожланиши таққослаш усули ёрдамида таҳлил қилинди. таҳлил. Умумий мантиқ ва башорат қилиши усуллари, сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият ва халқаро тизимлар орқали уларнинг механизмлари ва воситалари ўрганилди.

Натижалар ва мунозаралар. Ушбу мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонунийлиги устидан суд назорати аҳамияти ва такомиллаштириши масалалари тасвирланган. Юриспруденцияда суд назорати тушунчаси муноазаралигича қолган бир шароитда мазкур мавзу кенг маънода суд назоратига тавсиф берилган ва бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириши масалалари таҳлил қилинган.

Бу албатта ҳар иккала ҳокимиятларнинг мустақил тармоғида ўзаро тийиб туриши ва таъсир пировард мақсадида қонунийликни таъминлашга ёрдам бериши ёритилган

Хулоса. Мақолада маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва уларнинг қарорлари қонунийлигини таъминлашнинг бир воситаси суд назорати эканлиги ва бу самарали ричак калиги, бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириши замон талаби эканлиги омиллари батафсил кўриб чиқилган.

Кириш. Ҳокимиятлар бўлинишида мустақил ҳокимият тармоғи бўлган суд ҳокимиятини тубдан такомиллаштиришга, суднинг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган ҳаракатлар, умуман олганда давлатдаги барча ислоҳотлар марказида турган инсон, унинг шаъни ва кадр қимматини олий қадрият саналишига,



давлат органларининг асосий фаолияти халқни рози қилишга қаратилган ислохотлар ўз натижасини эртага эмас бугунги кунда бериши кераклиги жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатишга бўлган мақсад сари олиб борилмоқда.

Давлатимиздаги ҳар бир инсон онгида авваламдан қонун устиворлиги, бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари албатта суд орқали ҳимояланишга бўлган ишончини шакллантирмас эканмиз, ислохотларимиздан кутилаётган натижаларни, инвесторларнинг мулк ҳуқуқларини ва мулкдор ҳуқуқларининг кафолатларини етарли даражада таъминлаш мушкул.

Шу билан бирга давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири бўлиб қоладиган суд-ҳуқуқ ислохотлари, суднинг ҳокимиятлар бўлинишидаги мустақил ҳокимият сифатидаги нуфузи ва тўлақонли мустақиллигини таъминлаш, ҳокимиятларнинг бошқа тармоғи, хусусан ижро ҳокимияти билан ўзаро таъсир ва тийиб туриш механизмларининг ҳуқуқий асослари тўла ишлаб чиқилмагани, ижро ҳокимияти органларининг, хусусан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун устиворлигини таъминлаш бўйича суд назорати имкониятларидан қонунийликни таъминлаш борасида ўз ечимини кутиб ётган масалалардан десак хато бўлмайди.

2019–2020 йилларда маъмурий судлар томонидан 31 минг 322 та ариза кўрилиб, улардан 21 минг 272 таси ёки салкам 70 фоизи қаноатлантирилган, шу жумладан ҳокимларнинг 3 мингга яқин қарори ноқонуний деб топилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Кўриниб турибдики, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари қонунийлигини суд ва одил судлов орқали

таъминлаш қонунийликни таъминлашнинг самарали воситаларидан.

Бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш ва миллий қонунчилигимиз негизларини инобатга олиб тадқиқ қилиниши ўз ечимини топмай келаётган ҳокимиятлар бўлинишининг классик назариясини рўёбга чиқариш бўйича ўзаро тийиб туриш механизмининг реал таъминлашни замоннинг ўзи кўрсатмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг қонунийлиги устидан суд назорати маълум маънода маъмурий ҳуқуқнинг моҳиятидир.

Бу, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қонуний ваколатларини рўёбга чиқаришини текшириш учун давлат сиёсатининг энг мақбул усулдир. Расмий қарор ёки маъмурий ҳужжатнинг суд жараёни доирасида ўрганилиши мумкин бўлган жиҳатларига давлат органининг ваколатлари, давлат органининг қонуний ваколатлари доираси, тартиб-таомилнинг етарлилиги ва одиллиги, олинган далилларни суд жараёнида текшириш одил судловни таъминлашга оид мазкур масалага киради. Кейинчалик бу ўз-ўзидан превентив характер касб этиб бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қарорлар қабул қилишда ўзининг таъсири ўтказмасдан қолмайди.

Асосий қисм.

Суд назорати илмий жиҳатдан анча мунозарали тушунчадир. Суд назорати объекти бу норматив актлар, шунингдек давлат органлар ва мансабдор шахсларнинг муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган ҳаракатлари (ҳаракати ва ҳаракатсизлиги) киритиш мумкин. Шу муносабат билан, суд назорати концепциясида суд ҳокимияти ва суд бошқаруви соҳасидаги мансабдор шахсларнинг юрисдикцияга боғлиқ



бўлмаган функцияларини киритиш мумкин.

Суд назоратининг учта функцияси бор. Биринчидан, бу қуйи судларнинг нотўғри қарорларини бекор қилиш орқали адолатни таъминлайди; Иккинчидан, апелляция судлари қуйи судларнинг ишини назорат қилади; Учинчидан, ижро ҳокимият органлари ҳужжатларининг қонунийлигини назорат қилади.

К.Бретсшнайдернинг таъкидлашича, суд назоратининг мақсади халқнинг демократик жараёнлардаги иштирокини сақлаб қолишдир. Суд назорати фуқароларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳукуматга қарши туришда муҳим рол ўйнайди..

Суднинг назорат фаолияти маълум процессуал доирада амалга оширилади, унинг тартиботи процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Суд назорати одил судлов шаклида, конституциявий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий суд ишларини юритиш, шунингдек бошқа юрисдикция шаклларида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

В.А. Ржевский ва Н.М. Чепурновалар юқоридаги фикрларга қарши чиқадилар. Жумладан, улар суд назорати ва одил судлов каби суд фаолиятининг турларини (шакллари) қатъий равишда бир-биридан кескин фарқлайдилар, чунки суднинг назорат қилиш фаолияти одил судлов доирасидан ташқарига чиқади.

Юқоридаги фикрга қисман қўшилиш мумкин. Лекин суд иш юритуви маълум маънода суд назорати билан боғлиқдир. Мисол учун, маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш фаолиятини айтиш мумкин.

Шунинг учун ҳам баъзи олимлардан томонидан суд назоратини суд функцияни

амалга оширувчи ёрдамчи тизим билан боғлашади.

Бироқ, бир қатор олимларнинг фикрича, суд назорати суд тизимининг алоҳида функцияси сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас. С.К. Загаинованинг таъкидлашича, суд ҳокимияти норматив ҳуқуқий-ҳужжатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда назоратни амалга оширади. Шунинг учун суд конституциявий назоратни амалга ошириш вазифа эмас, балки одил судлов олдида турган вазифалардан биридир.

Ушбу фикрга қўшилиш мумкин. Суд назорати суд иш юритувининг муҳим қисми ҳисобланади. Мисол, учун идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш махсус процессуал тартибда амалга оширилади.

С.В.Никитиннинг таъкидлашича, одил судловни амалга ошириш суд ҳокимиятининг асосий фаолият йўналишидир. Суд назорати ва одил судлов функционал нуктаи назардан ўзаро боғлиқ, аммо суд тизими фаолиятининг турли томонларини (жиҳатларини) тавсифловчи турли хил юридик категориялардир.

Буюк Британиялик ҳуқуқшунос А.Стрит томонидан суд назорати тушунчаси шахснинг конституциявий ҳуқуқи билан боғланади. Яъни шахс ўзининг Конституциявия ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини ҳукуматнинг ноқонуний қонуности ҳужжатларидан суд назорати орқали ҳимоя қила олиши керак.

Шу муносабат билан шуни таъкидлаш керакки, юқори суд инстанциялари томонидан суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва ҳақиқийлигини текшириш назорат характерига эга. Бироқ, белгиланган аниқ процессуал фаолиятни суд назорати концепциясига киритиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки давлат ҳокимиятининг



мустақил тармоғи сифатида суд ҳокимиятининг назорат функциялари биринчи навбатда бошқа куч тузилмаларининг ҳаракатларининг қонунийлигини назорат қилишга қаратилган. Ушбу ташқи назорат функциялари бир қатор умумий тамойилларга, қонунларга, хусусиятларга ва бошқаларга эга бўлиб, уларни суд назорати ягона концепцияси билан бирлаштиришга асос беради. Шу маънода, суд назорати адлия доирасида амалга ошириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ташқи назоратдир.

Айрим тадқиқотчилар томонидан суд назорати тушунчасини конституциявий назорат асосида таҳлил қилинганлигини кузатиш мумкин. Яъни, назоратни тушунишда асосий эътибор низоли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг норматив тартибга мувофиқлигини текширишга қаратилган бўлади. Бу борада, Н.В. Витрукнинг таъкидлашича, конституциявий назорат бу юридик шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, қарорлари ва ҳаракатларининг конституциявийлигини текширишдир.

Мазкур фикрга қисман қўшилиш мумкин. Суд назорати фақатгина конституциявийликни таъминлашга хизмат қилмаслик керак, бошқа қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳам ҳимоя қилишини лозим.

Т.В. Паршинанинг фикрига кўра, суд назорати ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги устидан суд назорати ҳисобланиб, бу судларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган, қонун ҳужжатларининг талабларга мувофиқлигини текшириш бўйича суд

фаолиятидир. Мазкур таърифда айрим жиҳатлар очиб берилмаган. Жумладан, мурожаат қилувчи субъектлар, қонун ҳужжатлари доираси ва махсус процессуал тартибот каби масалалар акс этмаган.

Шу нуқтаи назардан, суд назорати тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи бериш мумкин: “Суд назорати бу жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатарини ҳимоя қилиш мақсадида конституциявий ва маъмурий суд иш юритув тартибида амалга ошириладиган суд фаолиятидир”.

Суд назорати суд томонидан маъмурий ҳужжат ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар нуқтаи назаридан тавсифланиши мумкин, чунки бу ҳуқуқий муносабатлар суд ишларининг алоҳида тоифасини ташкил этади. Бирок, ушбу қарашлар бизга суд норматив назоратининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ акс эттиришга имкон бермайди, чунки суднинг одил судлов (суд жараёни) доирасида амалга ошириладиган ҳар қандай назорат фаолияти суд процесслари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон қонунчилиги асосида суд назоратининг қуйидаги хусусиятлари ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, суд назорати қонун ижодкорлиги соҳасида суд ҳокимиятининг мустақил функциясидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни текшириш бўйича суд ваколатларининг аниқ даражада амалга оширилиши суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлайди ва бутун ҳуқуқий тизим балансини сақлашнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу муносабат билан суд



назоратини суд тизимининг мустақил функцияси деб айтиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](#) ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг [Конституцияга](#) мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти органидир.

Иккинчидан, суд назорати бу судларнинг маъмурий ҳужжат ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни текшириш бўйича ҳаракатларидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар устидан суд назорати Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ва Олий суди томонидан амалга оширилади. Суд томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни текшириш унинг қонунийлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Суд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва юқори юридик кучга эга эканлигини текширади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни текшириш натижасида суд унинг қонунийлигини тасдиқлайди ёки ноқонуний деб тан олади. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига кўра, суд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан қафолатланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган деб ҳисобласа, ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш мумкин.

Учинчидан, суд назорати суд ҳал қилув қарорлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро таъсиринининг шаклларида биридир.

Юридик адабиётларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро таъсири масаласи чуқур ўрганилмаган. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро таъсири” тушунчаси таҳлил қилинмаган ва унинг илмий таърифи ишлаб чиқилмаган.

Суд ҳал қилув қарорлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро таъсири масалаларининг чуқурлиги, мураккаблиги ва кўп қирралигини ҳисобга олиб, биз фақат суд қарорларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таъсир қилиш асосий шакллариининг хусусиятларига тўхталамиз.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик кучдан маҳрум қилиниши унинг ҳақиқий эмас деб эътироф этилишини ва шунга мос равишда тўлиқ қонуний дисквалификациясини ва тартибга солувчи тизимдан чиқарилишини англатади¹.

Суд ҳал қилув қарорининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш хусусиятларига таъсири уни ҳақиқий эмас деб тан олинishi билан ифодаланади. Натижада уни қўлламасликка эришилади.

Суд ҳал қарори нафақат суд назорати объекти бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга, балки ноқонуний норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосланган



қоидаларни ўз ичига олган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам таъсир қилиши мумкин. Лекин, мазкур тартибот миллий қонунчилигимизда мавжуд эмас. Амалдаги қонунчиликка кўра, суд норманазорати объекти бўлган ҳужжат жисмоний ва юридик шахнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузаётган ҳужжат ҳисобланади. Суд фақатгина ушбу ҳужжатни текшириши мумкин.

Суд ҳал қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солувчи таъсирини тўғирлаш воситаси сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги қоидалар чекланган тарзда баён қилинган бўлса, суд унга шарҳ бериши мумкин.

Демак, суд назорати суд қарорининг қонуний кучга эга бўлмаган ҳужжатни бекор қилиш, ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини тўхтатиб туриш, шунингдек, суд томонидан ноқонуний деб тан олинган қоидаларни норматив равишда такрорлашга тақиқ орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатга таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, суд назорати бу Конституциявий суд ва маъмурий судларнинг процессуал фаолиятидир. Идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш маъмурий процессуал қонунчилигида белгиланган қоидаларга мувофиқ одил судлов доирасида амалга оширилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини суд муҳокамаси доирасидан ташқарида текшириш бўйича суд фаолиятига йўл қўйилмайди ва бундай текшириш натижалари юридик аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Зеро, республикамиздаги барча фуқаро ва юридик шахслари ўзининг бузган ва манфаатларига даҳл қилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари юзасидан суд орқали низолашиш, суд орқали ҳимояланиш қафолатларини кенгайтириш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида қонунийликни таъминлаш имконини яратади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Nobuyoshi Ashibe, Kenpo [Constitution]326,329 (Iwanami Shoten 2011).
2. https://japan.kantei.go.jp/constitution_and_government_of_japan/constitution_e.html
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон
4. Сова Тошифуми, Ямада Хироши, Ватари Тадасу. Введение в административное право. Юхикаку, 2011. С. 213 (曾和俊文、山田洋、亘理格『現代行政法入門』(有斐閣、2011年).
5. Judicial Review - The Functions Of Judicial Review - Court, Appeal, Trial, and Error - JRank Articles <https://law.jrank.org/pages/22738/Judicial-Review-Functions-Judicial-Review.html#ixzz6VwmqD08m>
6. Corey Brettschneider, Democratic Rights and the Substance of Self-7. Government, Princeton University Press, 2007. P.38
8. Ржевский В.А., Чепурнова Н.М. Судебная власть: конституционные основы организации и деятельности. — М.: Юристь, 1998. С. 96-98.
9. Богданов Е.В. Правосудие как форма осуществления судебной власти: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Минск, 2003. С. 4.



10. Загайнова С.К. Судебные акты в механизме реализации судебной власти в гражданском и арбитражном процессе. — М., 2007. С. 34.
 11. С.В. Никитин. Судебный нормоконтроль в гражданском процессе и арбитражном процессе: вопросы теории. Дисс... док.. юрид. наук.- М., 2001.с.26
 12. Amy Street. Judicial review and the rule of law // https://www.consoc.org.uk/wp-content/uploads/2013/12/J1446_Constitution_Society_Judicial_Review_WEB-22.pdf
 13. Витрук Н.В. Конституционное правосудие в России (1991-2001 гг.): Очерки теории и практики. — М., 2001. С. 72.
 14. Паршина Т.В. Понятие и виды судебного контроля за законностью правовых актов: Лекция. - Нижний Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2004. С.24
 15. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон
 16. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.03.2020 й., 03/20/612/0326-сон
 17. Сивицкий В.А. Оспаривание нормативных и ненормативных правовых актов // Юридический мир. 1999. № 1. С. 8-9;
-